

# Иқтисод ва молия

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ

НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКИЙ ЖУРНАЛ

# Экономика и финансы

№5, 2012



ИНСТИТУТ ЭКОНОМИКИ АКАДЕМИИ НАУК  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

● ИҚТИСОДИЙ НАЗАРИЯ ВА МАКРОИҚТИСОДИЁТ /  
ЭКОНОМИЧЕСКАЯ ТЕОРИЯ И МАКРОЭКОНОМИКА

● ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЁТ ВА ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАР /  
МЕЖДУНАРОДНАЯ ЭКОНОМИКА И ЭКОНОМИЧЕСКИЕ ОТНОШЕНИЯ

● ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ /  
МОДЕРНИЗАЦИЯ ЭКОНОМИКИ

● МИНТАҚАВИЙ ИҚТИСОДИЁТ/  
РЕГИОНАЛЬНАЯ ЭКОНОМИКА

● БАНКЛАР ВА МОЛИЯ БОЗОРЛАРИ/  
БАНКИ И ФИНАНСОВЫЕ РЫНКИ

● МЕҲНАТ БОЗОРИ / РЫНОК ТРУДА

● ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ВА ҒАЗНАЧИЛИК ТИЗИМИ /  
ГОСУДАРСТВЕННЫЙ БЮДЖЕТ И КАЗНАЧЕЙСКАЯ СИСТЕМА

- иқтисодийнинг мақурадан холи бўлиши - прагматик иқтисодий сиёсат; - давлатнинг бош ислохотчи вазифасини ўз зиммасига олиши;  
- қонун устуворлигини таъминлаш; - кучли ижтимоий сиёсат олиб бориш; - ислохотларни босқичма-босқич ва вазминлик билан амалга ошириш

- деидеологизация - прагматичность экономической политики; - возложение роли главного реформатора на государство;  
- обеспечение верховенства закона; - проведение сильной социальной политики; - поэтапность и постепенность в реализации реформ

**МУНДАРИЖА  
СОДЕРЖАНИЕ**

- ИҚТИСОДИЙ НАЗАРИЯ ВА МАКРОИҚТИСОДИЁТ /  
ЭКОНОМИЧЕСКАЯ ТЕОРИЯ И МАКРОЭКОНОМИКА**
- 2 **Авазов Э.Х.** Қиймат қонуни: турли йўналишдаги ўзаро боғлиқ бўлган концепциялар эволюцияси ва ҳозирги босқичдаги амал қилиш хусусияти
- 10 **Толаматова З.А., Қулматов А.А.** Амир Темур давлатининг иқтисодий ривожланиши ва савдо алоқалари
- ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ /  
МОДЕРНИЗАЦИЯ ЭКОНОМИКИ**
- 19 **Исаджанов А.А.** Информационно-коммуникационные технологии в инновационном развитии национальной экономики
- ИҚТИСОДИЁТНИНГ РЕАЛ СЕКТОРИ / РЕАЛЬНЫЙ СЕКТОР ЭКОНОМИКИ**
- 23 **Мадраҳимов У.А.** Иқтисодиёт ривожланишида давлатнинг роли
- 29 **Амиров Л.Ф.** Қишлоқ хўжалигини сув ресурслари билан таъминлаш ва ундан фойдаланиш самарадорлиги
- 34 **Шадманов Э.Ш., Эргашев С.** Қишлоқ хўжалиги ва саноат ишлаб чиқаришининг мутаносиблиги тежамкорлик гаровидир
- МЕҲНАТ БОЗОРИ ВА ИЖТИМОЙ МУҲОҒАЗА /  
РЫНОК ТРУДА И СОЦИАЛЬНАЯ ЗАЩИТА**
- 38 **Амбарцумян А.А., Таирова А.** Комплексный подход к обеспечению занятости в Узбекистане
- 45 **Маматурдиева Д.Р.** Янги иш ўринларини яратишда ижтимоий ҳамкорликнинг ўрни ва аҳамияти
- БАНКЛАР ВА МОЛИЯ БОЗОРЛАРИ / БАНКИ И ФИНАНСОВЫЕ РЫНКИ**
- 50 **Ролдугин В.И.** Просчеты банка Латвии в области монетарной политики
- 55 **Исаков Ж.** Молия хизматлари бозорида тижорат банки кредитларининг юқори сифат кўрсаткичлари
- БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА АУДИТ / БУХГАЛТЕРСКИЙ УЧЕТ И АУДИТ**
- 62 **Ризаев Н.К.** Интеллектуал мулк объектлари ҳаракатининг бухгалтерия ҳисоби
- 68 **Мамажанов А.Т.** Фермер хўжаликларида ишлаб чиқариш харажатлари таҳлилининг ахборот манбаси масалалари
- ЯНГИ НАШРЛАР ВА ТАҚРИЗЛАР / КРИТИКА И БИБЛИОГРАФИЯ**
- 74 **Муминов Н.Г.** “Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар” ўқув кўлланмаси тўғрисида
- АХБОРОТ РУКНИ / ИНФОРМАЦИОННЫЙ РАЗДЕЛ**
- 76 **Академик Иброҳимжон Искандаровга** – 80 ёш.
- 78 Информация о научно-практической конференции на тему: «Институциональные императивы инновационного развития национальной экономики»

**Муминов Н.Г.**

Ўзбекистон Миллий университети

"Макроиқтисодиёт" кафедраси доценти

## "ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАР" ўқув қўлланмаси тўғрисида

**(Вахабов А.В., Таджибаева Д.А., Хажикаев Ш.Х. Тошкент: Молия, 2011. - 708 бет.)**

XX асрнинг иккинчи ярми XXI аср бошларида жаҳон иқтисодиёти интеграциялашув ва глобаллашув жараёнларининг чуқурлашиб бориши билан тавсифланади. Ўзбекистон Республикаси ҳам жаҳон иқтисодиётининг ажралмас қисми сифатида халқаро иқтисодий муносабатлар орқали жаҳон хўжалигига интеграциялашиб бормоқда. Ушбу қўлланманинг мақсади жаҳон хўжалиги ва халқаро иқтисодий муносабатлар, унинг амал қилиш механизми ва ривожланиш қонуниятлари, Ўзбекистон иқтисодиётининг жаҳон хўжалигида тутган ўрни ва интеграциялашув йўналишлари тўғрисида тўлиқ тасаввур шакллантириш учун зарур бўлган барча масалаларни ихчам ҳажмда фаннинг мазмунига таъсир этмаган ҳолда кўриб чиқишдан иборат.

Ўқув қўлланмада "Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар" фанларининг асосий масалалари қисқа ва тушунарли тилда баён этилган. Тақриз этилаётган ўқув қўлланма таркибан кириш, икки қисм, саккиз бўлим, ўттиз тўрт боб ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ўқув қўлланманинг таркиби мантиқан унинг мақсадидан келиб чиққан ҳолда "Жаҳон иқтисодиёти" ва "Халқаро иқтисодий муносабатлар" қисmlаридан иборат.

Қўлланманинг биринчи қисмида жаҳон хўжалигининг вужудга келиши, ривожланиш босқичлари ва қонуниятлари, моҳияти очиб берилган. Жаҳон хўжалигининг таркиби, мамлакатларнинг иқтисодий ривожланиш жиҳатдан

гуруҳланиши, макроиқтисодий ривожланиш моделлари ва рақобатбардошлигини ошириш йўллари таҳлил қилинган. Ушбу қисмда тараққий этган, ривожланаётган ва ўтиш иқтисодиёти мамлакатлари иқтисодиётининг жаҳон хўжалигида тутган ўрни, ривожланиш тенденциялари ва қонуниятлари ўрганилган. Жаҳон хўжалигида тараққий этган мамлакатларнинг тутган ўрни баҳоланган, АҚШ, Япония ва Европа Иттифоқи каби жаҳон хўжалиги марказлари иқтисодиётининг таркиби, ривожланиш тенденциялари ва Ўзбекистон билан олиб бораётган иқтисодий алоқалари ўрганилган. Ривожланаётган мамлакатларнинг иқтисодий ривожланиш ҳолати ва халқаро меҳнат тақсимотидаги ўрни баҳоланган, ривожланиш тенденциялари аниқланган, гуруҳланган, ривожланиш моделлари таҳлил қилинган. Ўтиш иқтисодиёти мамлакатларидаги иқтисодий ислохотларнинг мазмуни, амалга ошириш босқичлари аниқланган. Ўзбекистон иқтисодиётининг жаҳон хўжалиги тизимида тутган ўрни баҳоланган, амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг босқичлари, жумладан иқтисодиётни модернизациялаш ва таркибий ўзгаришларни амалга ошириш жараёнлари тавсифланган ва мамлакат иқтисодиётининг жаҳон хўжалигига интеграциялашув йўналишлари баён қилинган.

Ўқув қўлланманинг иккинчи қисми халқаро иқтисодий муносабатларнинг асослари ҳисобланган халқаро меҳнат тақсимоти ёритилган, халқаро савдо наза-

рияларининг келиб чиқиши ва ривожланиш босқичлари, халқаро савдонинг таркиби, ташқи савдони тартибга солиш усуллари ва эркинлаштириш йўналишларини ўрганишга бағишланган. Товарлар, хизматлар ва интеллектуал мулк савдосининг ҳолати, таркиби, ривожланиш тенденциялари, мазмуни ёритиб берилган. Ўқув қўлланмада иқтисодий омиллар ҳисобланган халқаро капиталлар миграцияси ва унда трансмилий корпорацияларнинг ўрни, халқаро ишчи кучи миграцияси ва юқори технологияларни халқаро узатишнинг назарий асослари ва амал қилиш механизмини ёритиб беришга алоҳида эътибор қаратилган. Халқаро валюта муносабатлари, халқаро валюта-кредит ва молия бозорлари, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг вужудга келиш сабаблари ва инқироздан чиқиш дастаклари ўрганилган. Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашувини элтувчи халқаро иқтисодий ташкилотларнинг келиб чиқиш зарурияти, гуруҳланиши, фаолияти ва Ўзбекистон билан муносабатлари таҳлил қилинган. Халқаро иқтисодий интеграциянинг ҳолати баҳоланган, ривожланиш тенденциялари аниқланган ва Ўзбекистоннинг халқаро иқтисодий интеграциялашув жараёнларидаги фаолияти ёритилган.

Муаллифлар "Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар" курси бўйича иқтисодий адабиётни кенг, чуқур таҳлил қилиш ва умумлаштириш орқали жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатларнинг назарий асослари,

моҳияти, ривожланиш қонуниятлари, турлари, шакллари, Ўзбекистон иқтисодиётининг жаҳон хўжалигига интеграциялашиш самарадорлигини оширишга қаратилган ушбу ўқув қўлланмани тайёрлашга муваффақ бўлганлар.

Тақриз этилаётган қўлланма назарий, услубий ва мантиқий нуқтаи назардан ҳамда "Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар" курси бўйича ўзбек тилида дарслик ва ўқув қўлланмалар етишмаётган ҳозирги шароитда талабаларга етарли, чуқур билим беришда муҳим қўлланма бўлиб хизмат қила олади.

Муаллифлар материални аниқ, мантиқан боғланган ҳолда баён этишга ҳаракат қилишган. Ўқув қўлланма бўларининг сўнггида асосий тушунчалар ва назорат саволлари келтирилган. Ўқув қўлланмани тайёрлаш жараёнида халқаро иқтисодий ташкилотлар ва молия институтларининг ҳисоботлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси материаллари, хориж ва мамлакатимизда нашр этилган илмий монографиялар, илмий журналлардаги мақолалардан унумли фойдаланилган.

Тақриз этилаётган ўқув қўлланмани нашр этилиши "Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар" фанини ўрганувчи олий ўқув юртлари бакалаврлари, магистрлари, тадқиқотчилари учун муҳим қўлланма бўлиб хизмат қилмоқда